

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ПАРТИЯ

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш хўжаликка раҳбарлик қилишни ва планлаштиришни доимо такомиллаштириб боришни талаб қилади. Хўжаликни планлаштириш ва унга раҳбарлик қилишнинг барча звеноларида энг асосий эътибор моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан, табиий бойликлардан энг рационал ва самарали суратда фойдаланишга ҳамда ортиқча чиқим ва нобудгарчиликларни йўқотишга қаратилиши керак. Жамият манфаатларини кўзлаб жуда кам ҳаражат қилиб энг катта натижаларга эришиш — хўжалик қурилишининг бузилмас қонуни ана шундир. Халқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштириш бошқариш аппаратини ҳамма чоралар билан ихчамлаштириш ва арзонлаштириш билан бирга олиб борилиши лозим.

(КПСС ПРОГРАММАСИДАН).

ЎЗБЕКИСТОН КОЧЕГАР-КАСИ ЮКСАЛИШДА

Кончилар шахри — Оҳангарон эндиликда энергетиклар, қурувчилар, енгил саноатчилар шахри ҳамдир. Шахримизнинг барча касбадаги кишилари давримизнинг йўлчи юлдузи ҳисобланган партия янги Программасида чизиб берилган улутвор вазифаларни амалга ошириш йўлида ҳармай-толмай меҳнат қилаётганлар. Шу йилнинг 10 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 102,7 процент адо этилди. Кўмир, электр қуввати, темир-бетон буюмлари, газ, гишт ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш топшириғи муваффақиятдан бажарилиб, белгиланган таъшири юзларча минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Ушбу ва юксалиш саноатининг ўзига хос фазилати бўлиб қолди. Шахримиз саноатининг барча тармоқлари улут етти йиллик контроль рақамларида белгиланган даражада ривожланиб бораётган. Бу йил шахр бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 58 процент ўсгани кўзда тутилган. Жумладан кўмир қазиб чиқариш, электр қуввати чиқариш бу йил ўтган йилдагига қараганда анча ошадиган, газ ишлаб чиқариш қариб уч баравар кўпайди.

Шахримиз қурувчилари ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритаётганлар. «Ўзбекшахтострой» трести шу йилнинг 10 ойи мобайлида 26 минг 633 квадрат метр турар-жой бинолари қуриб фойдаланишга топширди. ГРЭС қурувчилари айниқса катта галабага эришдилар. Шу йил ичида қуввати юз минг киловатт соатга эга бўлган 7-турбогенератор, соатига 120 тонна буг берадиган 10-қозон агрегати ва 2-компрессор навбатда қурилиб ишга туширилди. Ўрта Осиёда энг йirik ҳисобланган бу ГРЭС бўйича йил бошидан бери 2 миллион, 2 миллиондан энг киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилади. Бу, 1913 йилда бутун Россия бўйича ишлаб чиқаришда электр қуввати миқдоридан иккинчи марта кўп деган, сўзлар.

Шахримиз корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари орасида ишлаб чиқариш планларини ортиғи билан адо этаётган, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таънаҳарни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида иборат бўлаётган ишлар борида, ушбу ва цехлар бор. Кўмир разрезининг экскаватор, машиналари А. Аблайматов, В. Рассокин, 9-шахта коммунистлик меҳнат бригадасининг бошлиқлари Л. Дун Сон, Б. Алиев, 3-қурилиш бошқармаси компрессорчи бригадасининг бошлиқлари А. Куртсанов, А. Анамуров, энергетикларимиздан М. Мансуров, Н. Цой ва бошқа ушбу ишлаб чиқариш новаторларимиз номини ҳурмат билан тилга оламиз. Булар — ҳақиқий машъалларимиз, ишлаб чиқариш новаторлари, етти йиллик топширигини муддатидан олдин бажаришга бел боғлаган азаматларимиз.

РАБАВА РАПОРТЛАРИ

Оҳангарон районининг сав. заводчилари КПСС XXII съезди ва Марказий Комитетнинг март Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилаётган, давлатга ҳозиргача 5800 тоннадан ортиқ савзавот маҳсулотлари сотдилар. Бу соҳадан йиллик план муддатидан анча илгари шараф билан бажарилиб, Район савзавотчиларининг бундай ютуққа эришишларида айниқса 6-бўғдорчилик-виночилик, Тошкент наслчилик ва 1-«Оҳангарон» совхозларининг меҳнаткашлари катта ҳисса қўшди. Районнинг бу ютуғи савзавотчиларнинг Пленумга тайёрлаган катта совғалари бўлди.

Қуни кеча Комсомол районида хушхабар олдик. Район чорвадорлари эл дастурхонига 773,7 тонна гишт етказиб бериб, бу соҳадан йиллик планни анча ортиғи билан бажаришга эришганлар. Ҳозир район хўжаликларининг чорвадорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни ҳисобига гишт топширишини қизгин давом эттиришмоқдалар.

Бекобод районидан Навоий номида колхознинг меҳнатсевар чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилган кунга уч кун қолганда давлатга гишт сотиш йиллик планини 103,6 процент қилиб бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 18 НОЯБРЬ, 1962 ЙИЛ.

В. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон КП Оҳангарон
шаҳар комитетининг секретари

Улар билан оҳангаронликлар ҳақиқатини жадаллаштиришда рационал ва ихтирочилик ҳаракати катта ўрин тутди. Ўтган 10 ой ичида 700 га яқин рационализиаторлик таклифи тушиб, улардан 377 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва йилга давлатнинг 260 минг сўмга яқин маблағи тежаланди бўлди. ГРЭС коллективни бу соҳада барчага намуна бўлаётган. Қисқа вақт ичида 76 та қимматли таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилган энергетиклар 50 минг сўмга яқин фойда олдилар.

Мана шу муваффақиятларга эришилган экан, бу, албатта, шахр партия комитетининг саноат ва қурилишга конкрет раҳбарлигининг жобойи самарасидир. Шаҳр партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари корхоналар ҳамда қурилиш ташкилотлари коллективлари ўртасида социалистик мусобақа ва коммунистлик меҳнат учун ҳаракатига бошчилик қилаётганликлари натижада шундай муваффақиятларга эришилмоқда.

Шаҳар партия комитети ўз фаолиятида жамоатчилик асосларини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётган. Ҳар бир саноат корхонаси ва қурилишда бошланғич партия ташкилотларида маъмуриятнинг хўжалик, раҳбарлигини контроль қилиш комиссиялари ташкил этилган. Ҳозир шахарда 87 та шундай комиссия бор.

Булар техника тараққиётини жадаллаштиришга, корхоналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга, маҳсулот сифатини ошириш ва таънаҳарни камайтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Корхоналарда жамоатчилик асосида ишлайдиган 24 та конструкторлик бюроси ишлаб турибди.

Шаҳар партия комитети ҳузурида бир неча штатсиз бўлимлар ва институтлар тузилган. Улар ўз фаолиятлари билан хўжаликка раҳбарлигини янада яхшилашда яқиндан қўмақлашмоқдалар. Бироқ ҳали ишимиздаги жиддий нуқсонларни қўрамаслик хато бўлур эди. Ҳамма корхоналар ҳам

давлат планларини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарайтирлар деб бўлмади. Гишт, сут заводлари, «Ўзбекшахтострой»нинг айрим бошқармалари белгиланган топшириқларни мунтазам адо этмаётганлар. Бу ҳол бошланғич партия ташкилотларининг корхона экономикасида чуқурроқ кириб бормаётганлигини, конкрет тадбирлар ўрнига умумий раҳбарлик билан чекланаётганлигини кўрсатади.

Шу кунларда шахримиз меҳнаткашлари ақолиб туйту билан яшамолар. Улар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумини чакриш ҳақидаги ахборотни эъри қониқиб билан кутиб олдилар. Ҳозир ҳамманинг фикри-зиқри Пленумни ҳар қачонгидек янги меҳнат зафарлари билан ишоплашга қаратилган.

Эртага Москвада очилдиган партиянинг Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш масалаларини кўради. Унда маҳсулот ишлаб чиқаришини кескин қўпайтириш учун фойдаланишга қўйилган рефераларни ишга солиш юзасидан янги тадбирлар белгиланиши шубҳасиз. Шу муносабат билан мен планлаштириш билан боғлиқ бўлган айрим намчиликлар хусусида сўзлаб ўтмоқчиман.

Бизда қазиб чиқариладиган кўмирнинг қарийб ярми газ ишлаб чиқариш учун сарфланади. Бироқ қолган қисмининг ҳаммаси ҳам реализация қилинмади. Ҳанузгача бу кўмирларни қабул қилиб оладиган ташкилотлар номаълум. Республика Госплани шу жумлоқни ҳанузгача ҳал қилмаётган.

Саноат юксалиб, ўсиб бораётган экан, бу навбатда энг янги замонавий техника билан қуришни талаб этади. Шу сабабдан комбинатимизда юк ташиниш транспорт ишларини электрофикациялаш ҳақида анчадан бери дахл-сўз бўлади. Биз кўмирни ташинишда паровозлар ўрнига электровазозлардан фойдаланишга ўтишни зарур. 6 та электроваз ҳам олганмиз. Бироқ бунинг ўзи кифоя эмас. Уларни ишга тушириб юбориш учун зарур ускуналар, биринчи навбатда, троллей симлар йўқ. Негадир республика Совнархозининг кон-металлургия бошқармаси бу масала билан жиддий шугулланмаётган, ўз вақтида тегишли тадбирлар белгиланмапти.

Шахримиз кончилари, энергетиклари, қурувчилари ва бошқа касбадаги кишилари партиянинг Пленуми белгиланган тадбирлар билан бундан бунча кам оғимай амалга ошириб, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда олижаноб ишга салмоқли ҳисса қўшадилар.



КУЧ БИРЛИКДА

С. ТОЛИПОВ,
Тошкент тепловоз депоси
жорий ремонт цехининг
мастери

Депода бажарилаётган ишлар ташқаридан келган кишига тўғри бир-бирдан фарқ қилмайдигандек бўлиб кўринади. Сиртдан қараганда ҳақиқатдан ҳам шундай. Негани, корхонадаги барча иш жараёнлари бир-бирига ўхшаб кетди. Аммо, депонинг қайноқ ҳаёти билан, юрак тешиш билан чуқурроқ танишган киши унинг улкан корхона эканлигига тўла ишонч ҳосил қилади. Ахир, корхонамиз ремонт талаб бўлган тепловозларни тўзатиб, уларга қайтадан «жон» қилибди.

Шунақа. Ҳар бир цехнинг ўз мақсади, ўз вазифаси бор. Жорий ремонт цехининг ҳам корхонада тўтган ўрни муҳимдир. Бу ерда тепловозларнинг секциялари ремонт қилинади. Шунинг учун цехимизга ремонт талаб тепловозлар келди дегунча энг ишмариб ишга киришиб кетамиз. Ҳозирча меҳнат натижаларимиз чакки эмас. Октябрь ойида 80 та ўрнига 90 та секция график рементдан чиқди. Вақт-ремонтилар ишида ҳал қилувчи масала. Бир минут бекор кетдими, ютуқ қўлдан болай берилди деярлик. Иш бовар топилиш ўрнига орқага сурилди.

СОВҒА

Билмаймиз: қай юлдуз бўлар илк манзил,
Исон илк бор унга қўнади қачон?
Қизиқ, қайси нараса совғамга арзир,
Нени тортиқ қилиб боваркан исон?
Балки байроқ элтар, балки бир қалам...
Барига ҳам юлдуз:
«Ташмакур!» — дерди,
Аммо, шубҳа йўқки, бу илк совға
Бўлади ҳар қачон Советлар герби!
Ҳамид ИКРОМОВ.

ГУЛЗОДА

(Л А В Ҳ А)

Зовур ақалари оппоқ туз сепгандай шўраланган баланд, паст йўллари ёқалаб боради.
— Ерими шўрхон, ах, ҳар ҳолда мана шу зовурларга сизот суви оғизавери шўнчалик эпаяга келтириб олдики — сўзларда ҳамроҳиш бўлиб бошлиғи Даврон ана Суяров, — шўрин оёдан кетмади, шу ерларни экинзор қилиб юборди. Энди мана шу адрларни ҳам текислаб худди анови карталардек яхлит қилиб олсан, марра бизники, — ҳамроҳимиз ишонч билан вазмин сўзларди. Биз Даврон ана айтган яхлит карталарга етиб бордик.

— Мана келдик, — деди Даврон ана, — Гулзода қаерда экан. Пахта қуриётган икки одам биз билан сўрашган, бир-бирига маъноли қараб олишди-да.
— Гулзода ҳу анови пайкалда, кимгаям хўп танбех берапти, боришларини, — дейишди.
— Неучи, — ажабландик.

Термичилар қатор тизилиб олдинга қараб пахта териб келишар, ора-чора рўшарага қараб қўйишар, улардан ўн-ўнбеш қадам берида бошини қуйи солиб бир йигит тик турарди. Аввалига тушунмай бир неча дақиқа қараб турдик. Рўшарамиздан оёғига ихчам этик, эгига хипча камзул кийган, қизил гуллик шол рўмоли бошига тангиб олган ўрта бўйлик жувон қичиб келарди. Гулзодамиз келаяпти, — деди ҳамроҳимиз.

Исми жисмига муносиб бу истараси иссиқкина жувоннинг ҳозирги жиддий, нимадандир норози чехраси таажкубингани ортириб юборди. — Ҳа нима гап? — сўрадик салом-алиқдан сўнг.
— Бу йигитимиз кеча ишга чиқмаганди, бутун эса кеч қолди, яна барвақт кетиб қолмоқчи экан,

кетганидан ачинасан киши. Бундай бўлишга биринчи ўрнида тайёрлов цехидагилар айбдор. Запас қисмлар тайёрлаб берилмаса қўлимиз бойланб қолади.

Совуқ тушиши билан тепловозларнинг совутовчи секциялари тез-тез ишдан чиқиб туради. Шунинг учун Ҳозир бизнинг асосий ишмиз совутовчи секцияларини ремонт қилишдан иборат бўлиб қолди. Албатта, запас қисмлар бўлса қараб турмаймиз, тепловозларни тез-тез ремонт қилиб берамиз. Ленин, Ҳозир секция тўрбатори етишмаяпти. Биз бу ҳақда тайёрлов цехидагиларни хабардор қилдик. Аммо на чора, айтаганимиз бўлмайпти. Дено раҳбарлар бу аҳволдан яхши хабардор. Ленин ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатилмапти. Қани энди кўрун нахшадан кўса, мана бундай қилиш керак деб кўрсатиб беришса қандай яхши бўларди.

Ҳа, ҳамма баровар тер тўкса қилинган меҳнат кўзага кўринади. Ҳар ким ўз билганича иш тўтса унум ҳам, суръат ҳам бўлмайди. Шунинг учун хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини сидиқидан бажариш ишонч уни дадил бўлишга ундайди, ишга бўлган масъулият ҳиссини ошмиради.

Ҳар бир хўжаликнинг ўзига яраша ютуқлари ҳам, намчиликлар ҳам бўлади. Бизнинг ҳам яшайдиган сиримиз йўқ. Тепловозлар рементни айрим ҳолларда нега қўйибди кетди? Ҳўш, бунга ним айбдор? Албатта ўзимиз. Чунки, ҳар бир хўжаликнинг аҳволи, сир асрори ўзига равшан деганларидек, биз ҳам айрим намчиликларни кўра-бизла туриб, қўлимиз аҳамият бермаймиз. Бу эса, оқибат натижада умумий ишмизга та ози-кўзма тўққилик қилади.

Цехимизда ҳам шундай «хунук» воқеалар бўлиб туради. Бизга запас қисмлар баъзан ўз вақтида етказиб берилмайдиган бўлиб, вақтинг бекор

қилиб кетаверади. Мен сизга айтсам, график рементда турган тепловоз узоғи билан 7 соат ичида қўлдан чиқиб кетар. Айрим ҳолларда ремент муддати 8—9 соатгача ҳам қўйилиб кетди. Бунинг турган-битгани зарар. Чунки, ремент ишлари графикда белгиланган вақтдан бир соат ўтмиб кетса 7 сўм эи кўрилади.

Устига-устак бошқа цехлардаги узиллишни айтмаймиз? Араманган нараса деб, бошлаб қўйилган бутун бир иш тўхтаб қолади. Ана ўшанда хунобарчиликни кўрсангиз.

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг эртага Москвада ўз ишнин бошлайдиган Пленумида саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилаш масаласи муҳокама қилинади. Бу ҳол цехимиз ишчиларини ҳам беҳад қувватирмоқда. Чунки, Пленум хўжаликларини бошқаруш иш и ахшиллашнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб беради, шу асосда муҳим тадбирлар белгиланади. Бу эса, шубҳасиз хўжалик ишларининг янада яхшиланishi учун кенг имкониятлар туғдиради.

Юқори Чирчиқ районидан «Правда» колхозининг чорвадорлари бу йил ўтган йилдаги қараганда анча кўп маҳсулот етиштириш учун курашмоқдалар. Бу ерда ситиларни «тандем» усулида соғишга ўтилгандан кейин меҳнат унумдорлиги ортиб, Соғин ситилардан кўплаб сут соғиб олинмоқда. Суратда: «тандем» усулида сут соғиш пайти.

В. Кожевников фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧОРВАДОРЛАРИМИЗ АРМУҒОН

Ғулом ҲАСАНОВ,
1-«Оҳангарон» совхозини
1-бўлимнинг чўпонини

Совхозимиз, хусусан бўлими-миз чорвадорлари Совет Иттифоқи Коммунист партияси Марказий Комитетининг эртага очилдиган ноябрь Пленумини катта армуғон билан кутиб олмоқдалар. Бизнинг бўлими-миз чорвачилик соҳасида совхознинг энг йirik ва энг йirik бўлимларидан бири ҳисобланади. Бўлим бўйича давлатга гишт сотиш йиллик топшириғи муддатидан уч ой илгари тўла адо этилган эди. Сут соғиш соҳасидаги ютуқларимиз, айниқса, диққатга сазовордир. Шу кунга қадар эл дастурхонига пландаги 453 тонна ўрнига 520 тонна сервё сут етказиб берибди. Меининг ҳаммасларим давлатга жун сотиш планини ортиғи билан бажаришга муяссар бўлибди.

Нуроталик чорвадор ҳамкасбларимизнинг ақолиб ташаббуслари бизнинг бир гайратимизга ўн гайрат қўшиб юборди. Ҳозир бўлими-мизда ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан кўзи, ҳар юз бош эчкидан 140 тадан улоқ, ҳар юз бош ситгидан 90 бошдан бузоқ, ҳар бир ана чўчадан 26 тадан бола олиш учун ўзаро мусобабани ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юбордик.

Бу мусобақа ҳозирданок ўзининг самарали натижаларини берган. Менинг ҳамкасбаримдан И. Пардобоев, Э. Нишонов, С. Ашурқулов, Э. Исмаилов, С. Пулатов сингари ўртоқлар ҳар юз бош совлиқ ени эчкидан 125—128 тадан кўзи, улоқ олишга эришилди. Менинг ўзим ҳар юз бош эчкидан 130 тадан улоқ олишга муваффақ бўлибди.

«Ҳалқимизнинг «Иш ғамини ёзган, хўрагини соз ер» деган ақолиб мақоли бор. Бўлими-миз меҳнаткашлари шунга қатъий амал қилиб, чорва қишлоғига анча илгаридан пухта ҳозирлик қўрабшлаган эдилар. Мана энди чорва қишлоғини тўла ва бекаму-қўст тайёрланган ҳолда кутиб оламиз, Бўлим бўйича 16 та кўра сифатли ремент қилинди, 4 та янги типовой кўра қурибди. Чорва молларини бутун қиш давомида тўйдириб боқишга имкон берадиган ем-хашак жамгарин қўйилган.

Ҳозир ҳаммамиз келгуси қишлоқ хўжалик йилининг муваффақиятли ўтиши учун ҳам қайира-этиримиз. 1963 йил ҳисобига январь ойидаёқ камда 40 тонна гишт топширишга бел боғладик. Бунинг учун юз бошдан ортиқ қорамол, кўплаб қўй ва 2000 та кўроа бўрдоқига боқилапти.

аввалги аслига қайтмасида, пайкалда хато йўқ эди. Аммо бригадир ҳамон қунояр, «Эҳ қардан келди бу офат, яна ўқингандай бўш ер қилиб, худди шу бригаданинг даласида қаттиқ қўтирса бўладими бу лаянати сел». Гулзода айбон об-ҳавога тўншага ор қилди. Унинг хотирига совхоз марказида бўлган умумий йилгилиш тушиб кетди. Унда ўзи сўзлаганди.

— Ҳой, йигитлар, ишни эплоймайсизлар, сўзларининг устидан ҳам қиммаласизлар, — деб уларга танбех берганди. Айрим бригадирлар унга хўмрайиб ер остида қарашган эди. Сўзи ҳам, ўзи ҳам ўткир Мардон Бўтабеков ўшанда ўрнидан туриб:

— Гулзода сен нималар дейсан ўзинг, ҳамма вақт ҳам об-ҳаво бирдай келасанми дегадими. Сен сизни биламан Мардон ога, сиз ўз номингиз билан мардонасиз, аммо бизнинг қўшимчимизга нима дейсан, ахир биздан суви камми, хавоси пастми, нима сабабдан биз 27 центнер олданда улар 13 центнердан олади, — бўш келмади Гулзода... Халокатдан сақлаб қолган ғўзаларни меҳр билан боқар экан. Ана шу ҳаётлар унинг дилдан ўтди. Оппоқ момиқдай пахтасини шундай олиб бағрита босгани келди...

Йилин қунояр ортда қолди. Мардон ва коммунист Гулзода бошлиқ бригада аъзолари йиллик планини совхозда биринчилар қатори адо этишди.

Агар йўлингиза тушиб Гулистон районидан «Мираж» совхозига боргудай бўлсангиз, Гулзода ҳақида, бўз ердаги бўз йигитлар билан беллашиб, саҳронин гулистон қилаётган жасур аёл ҳақида маҳиялар, офаринлар эшитсан. Лекин ана шундай асил гулзодалар, шеродлар мард-майдонлар мақоми бўлган, чўли чекиниб кетмаётган хўжаликнинг ном ҳақон «Мираж»-лигига қилиб келмаганга афсусланами.

Ф. УСМОНОВА.

РАХБАРЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК! ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ



Ўрта Чирчиқ районидagi Кумовул пахта тайёрлаш пунктида иш қилгн. Қуритиш-тозалаш цехи тўла қувват билан ишлаб, ҳар суткада 100 тонна пахтани қуритаётир. Суратда: цехнинг смена мастери Мукаррам Азимо ва ва ишчи Тўхта Жумаева ўртоқлар қуртилган пахталарни қўздан кечирмоқдалар.

ИХТИСОСЛАШТИРИШ— САНОАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

«Асбобнинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деган ҳаққимизнинг аjoyиб мақоли бор. Ҳақиқатан ҳам минг чевар, уста бўлинг, аммо асбобингиз соз бўлмаса ишингиз унумсиз, баракасиз бўлади. Шунинг учун ҳам халқимиз ўзига хос донишмандлик билан «уста уста эмас, унинг асбоби уста» дейди.

Шу тўғрисида ҳам мамлакатимизда сановат ходимларининг кундалик ишида зарур бўлган асбоб-асхаларнинг сифатини яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу соҳада жуда катта ютуқлар қўлга киритилди, аммо шу билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас, уларни бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Масалан машинасозлик сановатини янада тез суръатлар билан ривожлантириш мақсади билан сановат ва технология остида ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва уларни тайёрлашга айрим олинган бир корхонани ихтисослаштириш тавсия этилади. Шуни айтиш кераки, ҳозирги вақтда ҳар бир машинасозлик корхонаси ўзининг асбобсозлик баъзасига эга бўлиш ва «бешқаларга» қарам бўлиб қолмаслига уринмоқда. Бундай маҳаллийликни давлатга жуда қимматга тушмоқда, қўлпаз маъналарини орқача сарфланганга сабаб бўлади.

Инструментлар ва технология остида ишлаб чиқаришни тарқоқ ҳолда ишлаб чиқаришни ихтисослаштирилган корхоналарда марказлашган равишда қўлпаз тайёрлашга қараганда икки, ҳатто уч марта қимматга тушади.

Асбоб ва оғиналарнинг тарқоқ равишда ишлаб чиқариш оқибатида мамлакат бўйича ҳар йили 3,5 миллиард сўмлик маблаг беқор сарф бўлиб кетмоқда. Бундан ташқари, оғиналарнинг тайёрлаш учун кўп вақт сарфланаётганлиги сабабли машина ва ускуналарнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жуда ҳам қўйилди кетмоқда. Агар буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинганда бўлса, асбобларнинг тарқоқ ҳолда тайёрлаш халқ хўжалигига юқорида кўрсатилган маблагдан ҳам кўпроқ зарар келтираётганлиги маълум бўлади.

Шуни назарда тутиш кераки, инструмент ва технология остида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш учун сарф бўлган ҳамажонлар бир йилга қолмай қайтариб олинди. Шунинг учун ҳам бу ишни ҳеч кечиктириш мумкин эмас. Давлатга катта фойда келтирадиган, сановатини янада тез суръатлар билан ривожлантиришга ёрдам берадиган бу проблема устида беш қотириш ва уни ҳал қилишга астойдил киришиш лозим.

Хисоблар шуни кўрсатадики, республикамиз сановат корхоналарида инструмент ва технология остида ишлаб чиқаришни марказлаштирилган тарзда тайёрлашни ташкил этиш ва мавжуд асбобсозлик цехлари қувватларида бекам-қўст фойдаланиш натижасида йилга бир неча миллион сўм маблагни тежаб қолиш мумкин бўлади.

Техника прогрессининг муҳим ютуқларидан бири шундаки, ҳар хил машиналар, асбоб-ускуналар бирикди деталлар ва узеллардан йиғилдиган бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам корхоналарни айрим деталлар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослаштиришнинг аҳамияти фойда олинди бормоқда.

Сановат ишлаб чиқаришнинг таърибаси корхоналарни унификациялашган айрим деталлар тайёрлаш бўйича ихтисослаштириш асосида мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Масалан, машиналарда ишлатилган тишли гилдиракчаларни ишлаб чиқаришни олиб қўйилди. Маълумки, циллиндри, коник, кўрсимон винт гилдиракчи, гиперболик ва бошқа турдаги тишли узаткичлар сановат, транспорт, алоқа соҳасига кенг кириб бормоқда.

Республикамизнинг йирим корхоналаридан бири бўлган «Ташселмаш» заводида бундай маҳсулотлар янги техника ва ил-ғор технология асосида ишлаб чиқаришга, деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу заводда турли шестернялар—тишли гилдиракчалар заготовкиси, штампларда тайёрланмоқда, бу заготовкеларга автомат ва ярим автомат агрегатларда, унумдорлиги тоқарик станокларига нисбатан 5 марта кўп бўлган пармалаш ва чўзувчи станокларда ишлов берилляпти. Бунинг натижасида корхонада тишли гилдиракчалар ишлаб чиқариш учун бошқа корхоналардагига нисбатан анча кам меҳнат ва маблаг сарфланмоқда. Агар бир турдаги гилдиракчалар учун «Подъемник» заводида меҳнат сарфиёти тахминан 90 минут, «Таштекстильмаш» заводида қарий 60 минут бўлса, «Ташселмаш» заводида салкам 40 минутни ташкил этмоқда.

Республиканинг йирим корхоналари бўлиши «Таштекстильмаш», «Подъемник», «Узбексельмаш» заводларида шестернялар ишлаб чиқариш жуда ҳам ёмон аҳволда, бунинг учун қўлпаз орқича меҳнат ва маблаг сарфланаёпти. Майдароқ корхоналарда аҳоли янада ачинапти. Умуман республикамизда тишли гилдиракчалар ишлаб чиқариш технологияси жуда ҳам қўйилди кетмоқда, ҳар бир корхона «ўзининг» аҳтиёжлари ҳақида кўпроқ қайғуради.

Бундай маҳсулотларни тайёрлашда каттиқ қотимчалардан ясалган асбоблар, кўп йўлчи фрезалар, бир вақтинг ўзида гилдиракнинг ҳамма тишларини чикарувчи асбоблар қўлланилмаётир, деса бўлади. Корхоналаримизда тиш чикаришнинг илғор усуллари—шампока, аниқ қўйиш, совиқ ва иссиқ накатка қилиш жуда суст жорий қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда республика корхоналарида бир тонна тишли гилдиракчаларни тайёрлаш учун ўрта ҳисобда 480 норма-соат сарфланади. Аниқ вақтда мамлакатимизнинг илғор корхоналарида меҳнат сарфиёти 200 норма-соатдан ошмайди. Етти йилликнинг охириги йилида бир тонна бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 112—115 норма-соат сарфлаш планлаштирилган. Бу даражага етиш учун тишли гилдиракчалар ва юлдузларни ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш, бундай деталларни тайёрлашни марказлаштириш, янги ихтисослаштирилган корхоналар ёки цехлар ташкил қилиш, кооперацияни авж олдириш ва уларни, ишлаб чиқаришни янги техника ва технология асосида ташкил этиш масаласини ҳал қилиш керак.

Н. С. Хрущёв КПСС Марказий Комитетининг июнь (1959 йил) Пленумида сўзлаган нутқида пайвандлаш ишининг истиқболли катта эканлигини кўрсатиб, бу усул билан деталлар ишлаб чиқариш ҳозирги замоннинг техникаси даражасида яхши ташкил этилиши, ҳар бир иқтисодий раёнда ихтисослашган заводлар бўлиши

кераклигини, бу заводлар халқ хўжалигини кенгайтириш, оғиналарнинг узелларини ўз баъзиларида ёки пайвандчиларни жойларга юбориб, улар учун кераклик пайвандлаш ишларини бажариб ту-

ришларини таъминлаш лозимлигини уқитган эди.

Бу соҳада ҳам республика корхоналарида анчагина ишлар қилинди. Пайвандлаш ишлари, айниқса «Узбекхиммаш» заводида яхши йўлга қўйилган. Бу корхона коллективни Ўзбекистонда биринчи бўлиб автоматик усулда пайвандлаш жорий қилди. Бу ерда пайвандлаш ишларининг армиядан кўпроги автоматик усулда амалга оширилмоқда. Пайвандлаш ишларини механизациялаш бўйича «Ташселмаш», «Таштекстильмаш», «Автомобилдеталь» заводларида ҳам анча ишлар қилинган. Лекин кўпгина корхоналар, жумладан «Подъемник» Ўзбекистон трактор-йигув, «Узбексельмаш», «Таштрансмаш» заводларида механизацияланган равишда пайвандлаш қўйилдиган ташкил қилинмаган.

Ўзбекистон Совнархозига Ўзбекистон кўргазмачи лаборатория ва автоматик тарзда пайвандлаш бўйича ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишга етарли эътибор бермаётирлар. Шу вақтгача республиканинг пайвандлаш техникасида ва пайвандлаш хомашисига бўлган эътиёби аниқ ҳисоблаб чиқилмаган. Республиканинг кўпгина корхоналари Украина Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институти билан қўйилган алоқа қилмайдиган. Илғор пайвандлаш техникасини жорий қилишга қўмаклашувчи комиссияларни тузиш ишлари кечиктирилмоқда.

Пайвандлаш ишлаб чиқаришнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш ҳам муҳим проблемалар. Бу проблемани бизнингча фақат республика миқёсида эмас, балки ўрта Осиё масштабида ҳал қилиш зарур.

Мана шу камчиликларни бартараф қилиш сановат ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш янада ривожлантириш, асбоблар ва инструментлар ишлаб чиқаришнинг марказлаштириш, уларнинг сифатини ва арзон бўлишини, техника тараққиётини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришга, ишлаб чиқаришдаги барча резервларни тўла ишга солишга, КПСС янги Программасида белгиланган улғур вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

А. ОРТИҚОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

КПСС XXII съездининг тарихий қарорларида ҳамда партияимиз янги Программасида партия, совет, касаб соҳ ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятида жамоатчилик асосларини кенг ривожлантириш зарурлиги алоҳида қайд қилиб ўтилган. Район партия комитети ўзининг кундалик фаолиятида шунга амал қилмоқда.

Биз сўнгги йилларда партия ишида жамоатчилик асосларини ривожлантиришда каттагина тажриба тўпладик. Шу нарсани қўвонч билан қайд қилиш кераки, ҳозир партия фаолиятида жамоатчилик асослари бўлмаган бирорта участка йўқ. Бу ўз-ўзидан тушунарили. Бонси, кенг жамоатчилик иштирокисини район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди.

Районимизда 52 сановат корхонаси, 23 қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари, жуда кўп илмий-текириш муассасалари, олий ўқув юрталари, иқидий ташкилотлар бор. Бу жойларда ишлаётган коммунистлар 300 га бошланғич партия ташкилотига биравган.

Сўнгги йиллар ичида район партия комитети ўз фаолиятида активлар иштирокининг турли формаларида фойдаланимоқда. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ташкил топган штатсиз инструкторлар, бўлимлар, турли комиссиялар ва доимий ишлаб чиқариш кенгашири муваффақиятли ишлаб турибди.

Район партия комитети бир неча коммунистлар штатсиз инструкторлар қилиб тасдиқлаганига икки йилча вақт бўлди. Бироқ улар шу муддат ичида айтишга аризгудек ишлар қилишди. Дастлабки кунлардан оқ район партия комитети фаолиятида унинг самаралари кўрина бошлади: бошланғич партия ташкилотлари билан алоқа мустаҳкамланди, хўжалик раҳбарлигини яхшилаш соҳасида кенг ёрдам қўрсатилди, омма ўр-тасида ташкилий ва сиёсий ишлар олиб боришда осонлик туғилди.

Штатсиз инструкторлар район партия комитети пленумлари ва бюросида қўрилган масалаларни тайёрлашда актив иштироки эътибори, уларни ўрганадилар, партия иши-

М. ТОЛИПОВ,
Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари.

даги янгиликларни умумлаштирадиган ва оммалаштирадиган, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларини текшириб, уларга конкрет ёрдам берадилар. Штатсиз инструкторларимиздан Чирва ва Райнин ўртоқлар қўраётган заводнинг партия ташкилотига фойдаланилмаётган резервларни топиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида яхшигина қўмаклашдилар. Натижада корхона кўпгина техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қаддирини ростлаб олди.

Район партия комитети ҳузурида ташкил этилган штатсиз сановат бўлимига инженер ўртоқ М. Слоуш раҳбарлик қилмоқда. Штатсиз бўлим аъзолари халқ хўжалиги институтининг илмий ходимлари билан ҳамкорликда бир ой мобайнида трактор-йигув заводида молия-хўжалик фаолиятини чуқур ўрганидилар. Улар тўплаган материал асосида шу корхонада илмий ишлаб чиқариш конференцияси ўтказилди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида фойдаланилмаётган жуда кўп резервларни ишга солишга йўл очди. Худди шу йўл билан районнинг 8 корхонасида ҳам конференция ўтказилди.

Сўнгги йилларда меҳнатқашлардан биринчи ва учинчи меҳнат фабрикаларида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги ҳақида кўплаб шикоятлар туша бошлади. Штатсиз бўлим ходимлари бунинг сабабини аниқлашга астойдил киришдилар. Улар текшириш натижаларини район партия комитети бюросига тақдим қилдилар. Бюрода текшириш натижалари чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди, мазкур корхоналар ишида жобий бурилиш ясалди.

«Узгоспроект» институтининг директори ўртоқ Саидов бошчилиги қилаётган қурилиш комиссияси жуда катта ва фойдали ишларни амалга оширмоқда. Бу комиссия район партия комитети аппаратидаги кишилардан, ар-

хитекторлар, инженерлар, қурилиш илгорлари ва новаторлардан ташкил топган. Комиссия аъзолари райондаги бир қатор қурилиш ташкилотларининг фаолиятини синчиклаб ўрганидилар ва меҳнатини ташкил қилиш, машина ва механизмлардан фойдаланиш соҳасида йўл қўйилган камчиликларни аниқладилар ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари-ни кўрсатиб бердилар.

Район партия комитети жамоатчилик асосларини бошланғич партия ташкилотларида кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор берилляпти. Ҳозир район коммунистларидан мингдан ортиқ икки жамоатчилик асосларида ишлаётган турли комиссиялар, конструкторлик бюрослари атрафида биравган. Жумладан, Ўзбекистон трактор-йигув заводида шу кунларда учта жамоатчи конструкторлик бюроси ишлаб турибди. Бюро аъзолари оғиналарнинг лойиҳалаш, деталларни трийн-спортироновлаш ва кўп меҳнат талаб этилади, ган иш процессларини механизациялаш, мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланишни янада яхшилаш борасида тимий иқидий иш олиб бориб, бу соҳада сезиларли ютуқларни қўлга киритиб турибди.

Район партия комитетининг IV пленуми шу нарсани қайд қилиб ўтдики, ҳали жамоатчилик асосида ишлаётган бўлимлар, инструкторлар фаолиятида айрим камчиликлар ҳам бор. Жумладан айрим инструкторларни танлашда хатога йўл қўйилган, турли бўлим ва комиссияларда иштирок этаётган коммунистларнинг ўқишга эътибор берилмапти, уларнинг назарий ва амалий савияларини ошириш бўйича семинарлар кам ўтказилмоқда, жамоатчилик асосларида ишлаётган кишиларнинг таъриблари ёйилмаётир. Шу сабабли район партия комитети йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш, коммунистлар ва партиясизлар оmmasининг активлигини янада ошириш соҳасида бир қатор тадбирларни белгилаб чиқди. Биз бундан кейин ҳам жамоатчилик фаолиятига, унинг иқидий қучига таяниб иш қурамиз. КПССнинг тарихий XXII съезди белгилаб берган улғур вазифаларни адо этишда жамоатчиликнинг ролини ошира борамиз.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

А. АСАДОВ,
ЎзССР Халқ хўжалик кенгаши капитал қурилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Жонажон партияимиз Марказий Комитетининг сановат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги партия раҳбарлигини яхшилаш масалаларига бағишланган Пленумининг чикарилиши Иттифоқимиздаги барча халқлар қатори Ўзбекистон қурувчиларининг ҳам ғайратига-ғайрат қўлди. Пленумимиз муносиб кутуб олиш учун барча қурилиш объек-тларида социалистик музоабқа авж олдириб юборилди.

1957 йили халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани сингари капитал қурилишга ҳам раҳбарлигининг қайта қурилганлиги, яъни халқ хўжалиги кенгашиларининг тузилганлиги, бир қатор ми-нистрликлар, ишчи тез ва оператив бажаришга ҳалақит бериб келган муассасаларнинг тугатилганлиги мавжуд резервлардан янада тўлроқ фойдаланиш, иш унумдорлигини ошириш, қурилиш ишлари суръатини тезлаштириш ва сифатини яхшилаш имконийин берди.

Утган беш йил (1957—1962) ичида республикада капитал қу-рилиш ҳажми тез суръатлар билан ўсди. Бу йиллар ичида Ўзбекистонда 40 дан ортиқ янги корхона қурилди, 200 дан кўпроқ корхона реконструкция қилинди, Охангари цемент заводининг иш-га туширилганлиги ва Бекобод цемент комбинатининг реконструкция қилинганлиги натижасида областимиз республикада шу вақтгача ишлаб чиқарилган ҳамма цементдан икки баравар кўп цемент етказиб берди.

Бу йил Бекобод металлургия заводида пўлатни узлуксиз қу-йиш установаси қуриб ботказилди. Шунингдек, «Ташселмаш» ва «Таштекстильмаш» заводларида янги цехларнинг қурилганлиги қи-шлоқ хўжалиги ва тўқимачилик машиналарини қўллаб ишлаб чиқариш имконийин берди.

Одмалик ва Ангренадаги қурилишлар тез суръатлар билан қад кўтармоқда. Янги икки йил ичида цемент, шифер, темир-бетон бў-йимлари, қўмир, электр энергияси ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа маҳсулотлар тайёрлаш кескин даражада кўпаяпти.

Эришлган ютуқлар билан бир қаторда областда ҳали капитал қурилиш ишлари даражаси халқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб бераолди деб бўлмайди. Давлат томонидан ажратилган капитал маблаглар баъзи объектларда жуда ҳам ёмон ўзлаштирилмоқда. Раҳбарликда йўл қўйилган баъзи бир камчилик-лар орқасида капитал қурилишга ажратилган маблагларнинг талон-тороғ қилиниши ва улардан унумли фойдаланимаслик ҳоллари рўй бормоқда. Складларда ускуналар запаси кўпайиб кетмоқда. Қу-рилишлар лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминланма-ётир. Ишчи қурилми, моддий ресурслар ва механизмлардан қонир-сиз фойдаланиш капитал қурилиш ишларини қимматлаштириб юбор-моқда. Баъзи қурилиш объектларида планлар муттасил бажарилма-ётир. Масалан, Тошкентдаги мой-ёғ комбинати барча шаронтлар мавжуд бўлишига қарамайдан қурилиш ишларини ҳаддан ташқари қўзиб юборди. Бу ерда ишлаётган 3-қурилиш трести ходимлар планни фақат 40 процент бажаришмоқда. Ишчи қурилми етишмай-ди. Қурилиш материалларидан ёмон фойдаланилди. Гидромаргария цехи ва бошқа ёрдамчи корпусларни қуришда бракка йўл қўйилган.

«Ўзбексельмаш», Эскиақор, лак-бўёқ заводлари ва бошқа об-ъектларда 159-қурилиш трести ходимлари қурилиш-монтаж ишлари-ни қонирсиз олиб бормоқдалар.

Аминимизки, партияимиз Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми капитал қурилишга раҳбарлик қилишнинг янги прогрессиз йўллариини кўрсатиб беради. Капитал қурилиш ходимлари Пленум қўрсатмаларига тўла амал қилган ҳолда, йўл қўйилган барча кам-чиликларни тезда бартараф қилиб, коммунизм қурилишини тезлаш-тириш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга тайёрдилар.

ПЛЕНУМ ДАН ПЛЕНУМГАЧА

Исмаилйёр АХМЕДОВ,
Чиноз районидagi «ЎзССР 30 йилгига» колхозининг раиси.

Колхозимиз меҳнатқашлари жонажон партияимиз Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини ҳаётга ижтисоди-ет билан татбиқ қилабориб, бу йил пахтачилик соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта ютуқ-ларни қўлга киритмоқдалар. Март Пленумидан сўнг раёони-миз пахтакорлари ҳосилдор-лигини ўрта ҳисобда 25 цент-нерданга етказиш, юзасидан аjoyиб ташаббус бошладилар. Бизнинг хўжалигимизда ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилинган эди.

Колхозчиларимиз ўз зимма-ларига олган социалистик маж-буриятларни шараф билан ба-жариш учун март Пленумидан о-йиб Пленумгагача далаалар-да чинакамга меҳнат қилди-лар. Шу меҳнатнинг самараси ҳозирдан оқ қувончли бўляпти. Бугунги кунга қадар 1350 гек-тар майдонимизнинг ҳар гекта-ридан салкам 30 центнердан пахта ҳосили олдик.

Эрта-индин — партияимиз Марказий Комитетининг но-ябрь Пленуми ўз ишнини давом эттираётган бир пайтда пахта-корларимиз ғалаба рапорти бе-радилар. Энди колхозимиздаги ишлар ҳақида, аjoyиб кишиларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўт-моқчиман. Хўжалигимизда ўз-юкори ҳосил усталари етишя-пти.

Илгари Ҳамид Лапасов од-дий механизатор эди. Энди-ликда қишлоғимизда уни ҳам-ма моҳир пахтакор деб била-ди. Негаки, механизация билан чинакам дўстлашиб олган бу йигит икки йилдан бери юкори ҳосил етиштиряпти. Бу йилги натижаси, айниқса қувончли. У бошқиб бригадада 40 гектар майдон, 5 колхозчи бор. Тех-никадан усталик билан фойда-

даланг азаматлар ҳар гектар ердан ҳозиргача 46 центнердан «оқ олтин» олдидлар. — 50 центнерга еткази-миз, — дейишяпти улар. Бундай юкори ҳосилли бри-гадалар колхозимизда анчаги-на бор. Маҳкам Бобонов, Фо-аил Нажиmiddинов, Аббос Со-монлов ўртоқлар бошқиб бри-гадаларнинг аъзолари ҳам гек-тардан 30—40 центнердан «оқ олтин» кўтардилар. Бу йил колхозимизда пах-тачиликни механизациялаш со-ҳасида олға томон катта қа-дам ташланди. Деярли ҳамма майдондаги тўза қатор орали-ри икки томонлама ишилди. Йигир-терим даврида 43 та машина ботўхтон ишлаб турди. Улар билан умумий ҳосилнинг 1150 тоннаси териб олинди. Моҳир механизаторларимиздан Абулқосим Исмадиёров, Анба-рали Умаралиев, Зубайра Ша-лобоева, Насиба Нишонбоева, Сония Хисомиддинова сингари ўртоқлар жонбозлик қўрсатиб ишладилар. Бу азаматлар аг-регатларни моҳирлик билан бошқариб, кунинга машина бун-керларидан 4—5 тоннадан «оқ олтин» тўкишга муваффақ бў-лдилар.

Далаларимизда ҳали анчаги-на ҳосил бор. Ваътапарвар колхозчиларимиз хорамлик-ларининг очик Хатига жавобан астойдил ишламоқдалар. Об-ҳавонинг ноқулай келганли-га қарамай, ҳозирги кунларда те-римчиларимиз қолган ҳосилни теароқ йигиштириб олиш иш-тиёғи билан меҳнат қилаётир-лар. Ҳозиргача 9—11 тонна-дан пахта териб қўйган Шаҳод-ат Бекматова, Офтобхон Аб-дуллаева, Холдон Сафарова сингари чеварларимиз шу кун-ларда ҳам қўсақ узишда бош-қаларга намуна бўлаётирлар.

Колхозимизда қуриш-то-залаш цехи, уч сушилча ва 10 та қўсақ чўвиш машинаси-дан унумли фойдаланилмоқда. Пахтакорларимиз бу йилги ҳо-силнинг сўнгги қўсагигача йи-ғиб-териб олиш билан бир қа-торда келгуси йилнинг мўл ҳо-силга ҳам пухта замин ярата бошладилар. Ҳосилдан бўша-ган ерларимиз пешма-пеш шуд-гор қилиняпти.

Партияимиз Марказий Коми-тетининг эртага очиладиган Пленумида сановат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилашдек му-ҳим масала муҳокама қилина-ди. Биз аминимизки, Пленумида ишлаб чиқилган зарур тадбир-лар социалистик экономика-мизнинг барча соҳаларини янада ривожлантириш соҳасида катта истиқбол очиб беради.

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида: 12.00 — «Фануш» тура билан шуғулланиш, 12.20 — Инглиз тили дари, 13.00 — ПТД (пионер телевизион кундалиги), 13.15 — Ёш шоирлар—болаларга.
Рус тилида: 13.40 — Мишна, Серб-га ва мен номли бадий фильм, 15.10 — «Пахтатор» (Тошкент) — «Шах-тёр» (Донец) командалари ўртасида футбол. Танаффус вақтида — Кино-журнал, 16.45 — Қўғирчоқ фильми (болалар учун), 17.10 — Телевизион янгиликлар, 17.30 — Концерт, 18.15 — Киножурнал ва Ёш шоирлар номли киноповест.
Ўзбек тилида: 20.15 — Телевизион янгиликлар, 20.35 — «Наво» мақоми, ИККИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида: 20.15 — Қирқ биринчи номли бадий фильм, 21.45 — Тошкент янгиликлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
— 18/ХІ да эрталаб Олтин қалит, кечқурун Кармен. 20/ХІ да Ҳамза. ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/ХІ да кундуз Имом, кечқурун Ревизор. 20/ХІ да Мирзо Улуғбек. МУКНИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/ХІ да Икки билгузу, 19/ХІ да Равшан ва Зулхумор. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Удмуртия АССРда хизмат кўрсатган артист Иван Кудрявцевнинг ажойиб айғи Гоша билан гастрол, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Константин Берман ва кизикчилар гуруҳининг хайрлашув гастроллари. Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади.

КИНО

Гусар қиссаси — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИЙ НОМЛИ (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 8-40 минут), «КОМСОМОН 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 1-40, 3-20 ва кеч 6-40 минут). Севги қиссаси — НАВОИЙ НОМЛИ, «КОМСОМОН 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

18 ноябрда
Ўзбек давлат эстрадаси солисти

ФАХРИДИН УМАРОВНИНГ КАТТА КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муҳаммад жон Мирзаев, солист Тўхта Ристомова ва Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади. Программани: Муҳаббат Мусаева олиб боради. Концерт кундуз соат 3 да бошланади. Касса эрталаб соат 11 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

19 ноябрда

Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестрининг

КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Коммуна Исмоилова, солистлардан Сора Шукророва, Мунаввар Давлатова, Тўхта Алихўжаева, Неймат Қулабдуллаев, Бахром Мавлоновлар қатнашади. Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1962 йил 1 декабр эрталаб соат 10 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, илмий олимлар институтларининг конференц-зали) куйидагилар

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР
Р. Аслонов — фалсафа фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Саид Аҳмад Сиддиқининг дунёқараши» деган темада.

Б. Самарқужаев — юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси — Ўзбекистон ССР давлатчилигининг қонуний таъриқи» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқай кўчаси, 1-уй).

Оржоникидзе район, Ўзғарш қишлоқ совети, Колхоз кўча, 1-тўқиди турувчи Иван Абуфрейчев Малиновскийнинг шу ерда турувчи Валентина Ивановна Малиновская (Кравчукдан акралиш ҳақида иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида қўрилади.

Геологическая кўча, 2-уй, 4-квартирада турувчи Алла Арми-наковна Макарованинг Карл Маркс кўчаси, 40-уйда, 5-квартирада турувчи Валерий Александрович Макаровдан акралиш ҳақида иши Тошкент шаҳар, Қўйишев район халқ судида қўрилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885, редактор бўлими — 26232, Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761, Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040, Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлими — 33786, Секретариат — 34808, Хатлар бўлими — 34048, Илгор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936, Ўзлонлар бўлими — 28142, Коммутиатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сур» бирлашган нашриятнинг босмаҳонаси

Р. 14123, Намр. Р. 1725.

ВЕТЕРАН МИНОМЁТ

Бу миномётнинг тарихи қизиқ ва ибратлидир. 1944 йил мамлакатимизда мудофаа фондига маблағ тўплаш учун ватанпарварлик ҳаракати кенг авж олган вақт эди. Ҳаракатдаги армиянинг рота командири капитан Иван Иванович Васильев ва рота партия ташкилотининг секретари лейтенант Петр Горбунов ўзларининг шахсий жамғармаларини ватан мудофааси фондига топширдилар. Уларнинг биринчиси 9 минг сўм, иккинчиси 3 минг сўм бериб, бу пуллара миномётлар сотиб олиш ва уларни қисмларга юборишни сўрадилар. Ватанпарварларнинг илтимоси қондирилди.

Тезда капитан Васильевнинг ротасига миномётлар келтирилди. Улардан бири ҳозир ҳам сақланмоқда. Унинг номери 73398. Бу миномёт билан жангчилар Украина, Руминия, Югославия, Венгрия, Австриядан ўтиб Прагагача бордилар. У ердан Гоби саҳроси ва Катта Хинган орқали Хитойнинг Мукден шаҳригача бўлган масофа босиб ўтдилар.

Бу миномётдан душманга қарши юзлаб миналар отилган. Биргина Будапешт учун бўлган жангларда душман билан бўлган бир ярим ойлик қақшатқич оқшувда бу миномёт билан немисларнинг 15 ўт очиб нуқтаси ва иккита ротаси тор-мор келтирилди.

Миномёт расчётида одамлар ўзгариб турди. Биринчи наводчи гвардиячи Рюминдан кейин қанадчан-қана наводчи ва расчёт командири шу миномёт билан ишладилар. Бу қуролнинг шонли тарихи оғиздан-оғизга ўтиб юрди. Ҳар бир янги расчёт душман билан бўлган жангларда қўлга киритилган жанговар шухратни авайлаб сақлади.

Ветеран миномёт ҳар сафар тантанали равишда қўлдан-қўлга ўтказилди. Жангчилар аёло ўғил билан ўзларидан аввали ҳамполикларининг шухратини оширишга сўз берадилар. Бу аҳднинг улдасидан чиқиб учун қўлдан келганча курашадилар. Ёшларга ўқинида юксак натижаларга эришдишда фронтда хизмат қилган тажрибали офицерлар Васильев, Васалига, Горбунов ва бошқалар ёрдам берадилар.

Бир кун тактик машғулот вақтида расчётта миномётни разбор қилимай янги ўт очиб позициясига олиб боришга буйруқ берилди. Гвардиячилар қуролга ташданлишди. Наводчи эфрейтор Стригу-

нов трубадан ушлади, ўқловчи оддий солдат Абрамов лафетдан, снарядчи оддий солдат Лоза эса талчч плитасидан кўтарди. Бироқ миномёт тезда ерга тикилиб қолди.

Миномётни бундай кўтармайдилар, — деди офицер Васильев. — Мана бундай қилиш керак. Васильев ўнг қўлини стволдан ўтказиб қўзиб амортизаторнинг стаканидан ушлади, чап қўли билан эса лафетни тутди. Худди шу приёмни иккинчи томондан ўқловчи Абрамовга ҳам қилишга буйруқ берди. Натияжада қўллар чирмашиб, миномёт қимирламайдиган ҳолатга келди.

— Қўрқисми биз икки киши бўлсак ҳам қуролни бемалол кўтариб бора оламиз, — деди офицер. Бу приёмни шундан сўнг расчётининг ҳамма одамлари такрорлашди.

Бошқа бир мисол. Расчёт ўт очиб позициясига банд жойини танлади. Траншеяга ётиб олган «душман» шибда қўшнларига қарши ўт очиб керак эди. Ўт очиб позициясини кўриб офицер уни дарҳол ўзгариш кераклигини айтди.

— Худди шундай ҳолат, — деди у, — бир вақт Венгрияда ҳам бўлган эди. Фашистлар бизнинг олдимизда траншеяларга ётиб олишган эди. Бизга уларни ўша жойдан миномёт ўти билан уриш топширилган эди. Айрим расчётлар тепаликда ўт очиб позициясини эгаллаб хато қилишган. Душманга қараб биринчи ўқлар отилиши билан бу расчётлар дарҳол ўз жойларини топиб олганлар.

Миномётчи жангчилар офицерларнинг маслаҳатларига диққат билан қўлоқ солишди, топшириқни улар айтганича қилиб бажаришга ҳаракат этишди.

Урушдан сўнг партия ва ҳукуматимизнинг таълим қўлғи туфайли армиямиз жаҳонда энг яхши жанговар техника ва қуролларга эга бўлди. Артиллерия ҳам бошқача бўлиб қолди. Унинг базасида янги, қўшн турлари ичида энг қудратли бўлган ракета қўшнларини вужудга келди. Совет жангчилари бу техникани тўла эгаллаб олдилар.

Ветеран-миномёт ҳозир қаерда экан? У қимматбаҳо ёдгорлик сифатида Н-гвардия қисмининг жанговар шухратлар хонасини беэа турибди.

Подполковник Ф. ЛОБЗИН.

МАРТИРАДАН ГЛОБАЛ РАКЕТАЛАРГА

(КЕКСА АРТИЛЛЕРИЯЧИ ХИКОЯСИ)

Бундан 45 йил муқаддам мен эски армияда хизмат қилганман. 9-март батареясида старший фейерверкер эдим. Казармаимиз Саперная кўчасида турарди. 1917 йил кузига келиб Тошкентда сиёсий аҳвол кескинлашди. Революция солдатлар шаҳар ишчилари билан бирга қуролли қўзғололга тайёрдилар. 27 октябр (9 ноябрда) батареяимиз солдатлар қўлга ўтди. Эртасига бизнинг битта мартирамиз қўзғололи кўтарган ишчилар устасонасига олиб борилди. Мен ўша вақтда мартиралардан бирининг расчётида эдим. 1972 ноерли бу қадимий олти дойимлик мартирами Петербургдан Обухов заводи ишчилари ясаган эди. Мана 25 йилдан буён у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих музейи залларидан бирида намойиш қилинади.

Тошкентдаги октябр жангларини қўлларда ана шу мартира ўзининг артиллерия ўқи билан қўзғололи кўтарган ишчи ва сол-

дан олиб ўтилар экан, мен кекса артиллериячининг қалби чексиз гуруру тўғуси билан тўлиб-тошди. 1917 йил октябрда қўлга киритилган Совет ҳокимиятининг тинчлигини ҳозирги замон артиллерия қуроллари ишонч билан сақламоқда. Бугун, Артиллериячилар кунда жаҳонда энг қудратли бўлган совет ракеталарини яратган конструкторларимиз эга катта раҳмат айтгити келади.

Ф. ЧЕРНИШЕВ,
Тошкентдаги Октябр жангларининг актив қатнашчиси, шахсий пенсионер.



17 НОЯБРГАЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунда	Маъсум бо- линида бери	Қоп-қанор- сиз ташви
Тошкент	0.07	106.47	144.08
Янгийўл	0.08	96.98	116.91
Янгийер	0.02	77.60	94.35
Чирчиқ	0.04	76.66	95.63
Сирдарё	0.09	61.18	83.91
РАЙОНЛАР			
Қўй Чирчиқ	0.03	119.73	127.96
Оржоникидзе	0.07	101.63	140.43
Юқори Чирчиқ	0.08	99.63	99.20
Чиноз	0.08	98.66	128.41
Урта Чирчиқ	0.10	88.34	107.48
Янгийўл	0.11	87.40	110.56
Пискент	0.03	81.39	97.52
Янгийер	—	80.44	101.47
Бўка	—	74.44	103.06
Бекобод	0.04	74.30	86.77
Сирдарё	0.14	68.77	97.74
Оққўрғон	0.02	62.13	76.43
Комсомол	0.02	60.32	79.72
Гулистон	0.07	48.27	63.31
Область бўйича	0.06	78.15	98.46



Тошкентда биринчи қор.
А. Абалли фотозтуди.

Ватанимизнинг ракета техникаси намойиш қилинмоқда. Бу сурат Улуг Октябрь 45 йиллиги байрами муносабати билан Москвада ўтказилган ҳарбий парадда олинган. В. Егоров фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Н-қисм тўпчиларидан оддий солдатлар И. Набатов (ўнгда) ва Е. Зелинко ўқини аълочилири ҳисобланади. Фотохуҳбир А. Асанов уларни машғулот ўтказётган пайтда суратга олган.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XVII СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 16 ноябр. ТАСС махсус мухбири В. Петрусенко хабар беради:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг йўқсодий ва молиявий масалалар билан шуғулланувчи комитети кеча эрталабни мажлисида савдо ва ривожланиш масалаларига бағишлаб халқаро конференция чакриш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди.

Маълумки, бу масала бўйича иккита резолюция лойиҳаси — Совет Иттифоқи ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳининг резолюция лойиҳалари киритилган эди. Комитет ўз мажлисида Совет Иттифоқининг таклифларини ҳам, шунингдек ривожланаётган мамлакатларнинг катта гуруҳи томонидан киритилган таклифларни ҳам батафсил муҳокама қилди. Мунозаралар вақтида шу иккита резолюция лойиҳаси авторларининг нуктаи назарлари бир-бирига яқинлашиб қолди. Бунинг натижасида 35 мамлакат лойиҳасининг ташаббусчилари совет лойиҳасидаги бир қанча фикрларни, жумладан конференцияни чакриш муддати тўғрисидаги ҳамда бу конференцияда халқаро савдо ташкилотини тузиш масаласини муҳокама қилиш мақсадида мувофиқ аниқлиги ҳақидаги фикрларни қабул қилдилар.

Совет Иттифоқи вакили Г. П. Аркадьев комитетнинг кечаги мажлисида сўзга чиқиб, совет таклифларининг кўпи 35 мамлакат лойиҳасига киритилганлиги сабабли совет делегацияси совет резолюцияси лойиҳасини овоғига қўйишни унчалик талаб қилмайди, деб айтди.

Яманда жанглар

ҚОҲИРА, 16 ноябр. (ТАСС). МЕН агентлиги Санодан хабар беради: Сауда гарнизони қўшинларининг қўмондони Яман Араб Республикасининг қўшинлари 13 ноябрда қорол Сауд ва Ҳусайннинг Саадани ишғол қилишга уринган сотқин қўшинларининг ҳужумларини даф қилдилар. деди. Янан таъкидасида Саудия-Иордания қўшинлари солдат ва офицерларидан 3 минг киши ўлдирилди. Душманиннг қўлига қўл-дорларни ўлма олинди. Буларнинг бир қисми Америкада ишлаб чиқарилган.

АДЕНАУЭРНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ ТАМОМ БЎЛДИ

ВАШИНГТОН, 16 ноябр. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг канцлери Аденауэр билан АҚШ президенти Кеннеди ва давлат секретари Ракс ўртасида Вашингтонда олиб борилаётган музокаралар кеча кечқурун тугади.

Аденауэрнинг АҚШ президенти билан охириги учрашуви тамом бўлганидан кейин Оқ уй Америка-Гарбий Германия кўшма ахборотини эълон қилди. Ахборотда айтиладики, Кеннеди билан Аденауэр «яқинда бўлиб ўтган халқаро воқеаларни кўриб чиқдилар ҳамда ҳал этилмаган масалаларни аниқлаш ва тинчлигини яхшироқ таъминлаш мақсадида келгусида рўй бериши мумкин бўлган имкониятларни ўргандилар».

Ахборотда қайд қилинишича, Кеннеди билан Аденауэр, Германия проблемасини, «шу жумладан Берлин» проблемасини муҳокама қилганлар. Музокарадошлар Гарб-давлатлари Гарбий Берлинда ҳозир мавжуд бўлган оккупация статусини «ҳар қандай вазиятда ва ҳамма воситалар ёрдами билан» сақлаб қолдиш ниятида эканлигини таъкидлаганлар.

Президент билан канцлер, — дейилади сўнгра ахборотда, — «Европанинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирилиши билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ҳарбий масалаларни» муҳокама қилдилар. Бироқ, Боня қуролли кучларининг сннини қўпайтириш тўғри-



Комитет бир қанча совет таклифларини ўз ичига олган 35 мамлакатнинг резолюция лойиҳасини қабул қилди. 73 делегация, шу жумладан социалистик мамлакатларнинг делегациялари бу лойиҳани ёқлаб овоз бердилар. АҚШ, Англия ҳамда «умумий бозор» мамлакатларининг вакиллари бу лойиҳага қарши овоз берди. 23 делегация овоз бердиш вақтида бетараф бўлиб қолди.

Қабул қилинган резолюцияда айтиладики, халқаро савдо ва ривожланиш масалаларига бағиш-



Руминия Халқ Республикаси. Кейинги йилларда Бухарест қижинга жойлашган Рошине давлат қишлоқ хўжалигининг чорвадорлари катта ютуқларга эришдилар. Улар сиырларнинг сонини қўпайтириш, қўп миқдорда сут соғиб олиш ва мўл-кўл гўшт етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Суратда: Рошине давлат қишлоқ хўжалиги нинг чорвачилик фермаси. Аджерпресс-ТАСС фотоси.

САБР КОСАСИ ТЎЛИБ ТОШДИ

ИСТАМБУЛ, 16 ноябр. (ТАСС). Истамбулда турмуш шарафтининг оғирлигига қарши норозилик билдирган меҳнатчилар катта гуруҳининг намоиши бўлиб ўтди. Улар ола-лалари билан бирга «Мактаблар талаб қиламиз», «Бизлар сув ва электр бўлишини истаймиз», «Игирмачини асрда биз ибтидоий жаҳиятдагидек тирикчилик кечиряймиз», деб ёзилган плакатларни кўтариб, шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885, редактор бўлими — 26232, Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761, Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040, Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлими — 33786, Секретариат — 34808, Хатлар бўлими — 34048, Илгор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936, Ўзлонлар бўлими — 28142, Коммутиатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сур» бирлашган нашриятнинг босмаҳонаси

Р. 14123, Намр. Р. 1725.

«Бизнинг адрес»
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.